14 йил

Mustaqil O'ZBEKISTON

30 (464)

2005 йил 27 июль

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ...Бу иғволар ўткинчидир, Энг муҳими — эл тинчидир!

3 "Қариялар чойхонаси" нега қулф?

3 Тожиконда теннис ўйнашади

4 Инсон 150 йил яшай олади(ми?)!

4 Шоҳ Варзин ва Далолой...

Тошкент вилояти

БЕКОБОДЛИК ОҚИБАТЛИЛАР

Яқинда Бекобод шаҳридаги Аббосов номли маҳаллада хайрли ишга қўл урилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дадажон Бобоев ва маҳалла фаоллари томонидан ногирон, ёлғиз қариялар ҳамда кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус иш дастури тузилди.

Маҳалладаги таъмирталаб уйларда яшаётган, лекин таъмирлашга қурби етмаётган фуқаролар аниқланди. Шу билан биргаликда озиқ-овқат, дори-дармонга муҳтожлик сезаётганлар рўйхати ҳам тузилди. Маҳалла ҳудудидаги катта корхона — "Бекободцемтаъмир" ҳиссадорлик жамияти раиси, Бекобод шаҳар Кенгаши депутати Юсуфжон Охунов корхона бошқарув кенгаши аъзолари билан кенгашиб, 100 дона шифер, икки тонна цемент, 100 кг. оҳак каби жами 500 минг сўмлик қурилиш хомашёсини маҳаллада бошланган хайрли тадбир—камхарж оилаларнинг уйларини таъмирлаш учун ажратишди. Улар маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши қарори асосида тарқатилди. Маҳалла фуқароси А.Филимонованинг уйи эса ҳашар йўли билан қайта қурилиб берилди. Маҳаллада истиқомат қиладиган усталар, дурадгору сувоқчилар таъмирлаш ишларида ҳиммат кўрсатишди.

"Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси томонидан 3 та оиланинг ҳар бирига 20 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 52 минг сўмлик дори-дармонлар, беморларни даволатишлари учун 120 минг сўм маблағ ажратилди.

"Исломобод" масжиди ҳайъати эса 3 та палосни маҳалланинг ёлғиз яшовчи қариялари, кам таъминланган оиласига беришга қарор қилгани ҳам савобли ишлардан бири бўлди.

Шаҳарнинг бошқа маҳаллаларида ҳам "Сиҳат-саломатлик йили" дастурини бажариш, шу билан биргаликда, меҳр-мурувватга йўғрилган хайрли тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳамжиҳатлик, ҳамфикрликдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Абдурахим БОБОНАЗАРОВ

— Яна нима дейди?
— "Озодлик" радиоси яна бўҳтон тарқатибди, — дейди.

ҲОСИЛ БАРАКАСИ БУТУНДАН

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Мамлакатимиз пахтакорлари учун айни қизғин меҳнат палласи давом этмоқда. Бугун қуёш тафтидан қониқиб эмиб, бўй чўзаётган ғўзалар қанча яхши парвариш қилинса, ҳосил шунча мўл бўлади. Буни ҳар бир пахтакор қалбдан ҳис қилиб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: *мухбиримизнинг Тошкент вилояти пахтазорларидан олган тасвири.*

Истиқлол туйғулари

МИНГ ШУКР...

Минг шукр, тишлам нон омонда бордир,
Ҳатто ағёр, яхши-ёмонда бордир.
Халқимнинг тизими бир саф, мустаҳкам,
Кетди қанча ёвуз, шарманда бордир.
Минг шукр, ҳур даври-давронда бордир,
Юким елкам эмас, карвонда бордир.
Эл юкин кўтармай қочган муттаҳам,
Йўқолсин гар бизнинг замонда бордир.
Минг шукр, ор-номус жононда бордир,
Ваъдага вафо дўст-ёронда бордир.
Душманлар бузолмас қаторни мудом,
Бизда жанговарлик — суронда бордир.
Минг шукр, шоиру хонанда бордир,
Битгай мадҳиялар ўт — қонда бордир.
Ривож топаверсин, чиқсин шону ном,
Қудратим ҳам саноқ, ҳам сонда бордир.
Минг шукр, донишлик Туронда бордир,
Шу юртга бахт бер, деб қилгум илтижо,
Асли у муқаддас Қуръонда бордир.
Минг шукр, бугун тўй, чирманда бордир,
Ечилгай қалбда минг армон-да бордир.
Юртбоши нақш этди, энг олий мақом —
Ҳуррият тамғасин, Фармонда бордир.

Санақул ОРОЛ,
Навоий шаҳри Матонат маҳалласи оқсоқоли

Жиззах вилояти

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

ЗОНАЛ БОСҚИЧ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Кеча Жиззах шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар футбол мактаби ўйингоҳида "Футболимиз келажаги" турнирининг 13-14 ёшлилар ўртасида республика босқичи мусобақалари бошланди.

Бу ерда турнир зонал босқичининг "В" гуруҳида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган олтита вилоят ва Тошкент шаҳрининг ғолиб жамоалари баҳс олиб бормоқдалар.

Айни пайтда мусобақанинг дастлабки ўйинлари якунланди. Тез кунларда эса турнирнинг зонал босқич ғолиб жамоалари номи маълум бўлади.

Тошкент шаҳри

"ШАРҚ" "ШОДЛИК"НИ ЕНГДИ

11-12 ёшли болалар ўртасида маҳаллалараро "Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларининг пойтахт биринчилиги учун якуний беллашувлари бўлиб ўтди.

Финалда майдонга тушган Юнусобод туманидаги Шодлик ҳамда Чилонзор туманидаги Шарқ маҳаллаларининг энг ёш футболчилари барча имкониятларини ишга солиб, чиройли ўйин намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Муросасиз кечган баҳс чилонзорликлар фойдасига ҳал бўлди. Шарқ маҳалласи футболчилари Шодлик маҳалласи жамоаси устидан йирик — 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, турнирнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

МУХБИРИМИЗ

СУРАТДА: *турнирнинг пойтахт ғолиби — Шарқ маҳалласи болалари футбол жамоаси*
Шавкат ЗУЛФИҚОРОВ олган сурат.

ЛУЧ МИЯНИНГ ТЎҚЛИК ДАЪВОСИ

ёки "Озодлик" радиосининг шу йил 18 июль куни эфирга чиққан "Қурултой" эшиттиришидаги сафсатабозлик талқинида

Исми шарифи ёдимда йўқ, буюк сиёсатшунослардан бирининг шундай мазмундаги доно фикри бор: пучлик тўқлик даъвосини қилганда юмор юзага келади. Аслида "Озодлик" радиосининг Прагадаги студиясидан Абдулло Искандар, Тошкент студиясидан Шайбон бошловчилигида шу йил 18 июлда эфирга чиққан "Қурултой" эшиттириши иштирокчиларининг сўзамолликларини эшитганлар ҳам уларнинг сиёсат бобида озгина бўлса-да лаёқату билимга эга бўлмай, воқеликлар тафсилотидан бехабар бўла туриб "сиёсатдон"лик даъво қилаётганлигини пайқайди ва уларнинг устидан кулиб қўя қолади. Аммо, ёлғон асосида, билимсизлик ва лаёқатсизлик билан айтилган бу сафсатабозлик — сиёсатшунослик бўлолмаслигидан ташқари оммани чалғитишга, мавжуд тузумни ағдаришга, халқни, мамлакатни тубсиз инқирозга келтириб қўйиш мақсадига қаратилганлиги билан ўзини Ўзбекистоннинг асл фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир кишида кулгу эмас, қаҳр-ғазаб туйғусини уйғотади. Беихтиёр "Ҳой нонкўр, шу юртда туғилиб, шу юртда, шу халқ орасида вояга етиб, шу милллатга мансуб бўлиб, шу юрт, шу халқ, шу миллат шаънига туҳматлар қилишга қандай журъат қилдинг? Юртни, халқни, миллатни ҳақорат қилиш ортидан кун кўргунча, ҳар бало бўл-эй!" дегинг келади.

Муносабат

АЁЛ ОЛАМНИ МУНАВВАР ЭТУВЧИДИР...

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 2005 йилнинг 6 июль куни Фарғона шаҳрида "Аёл оламни тебратар!" мавзусида ўтказилган концерт-манифести дастурининг телевидение орқали намойишини кўриб, шу баҳонада бугун ҳаётимизда юз бераётган воқеликларга муносабатимизни билдиришни лозим топдик.

Тадбир ўтказилгандан сўнг бир-икки кун ўтгач, республикамиз оммавий ахборот воситаларида "Фарғона аёлларининг Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига Мурожаати" эълон қилинди. Ушбу мурожаатимиз ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, ақли расо, иймон, эътиқоди мустаҳкам инсонларни дўппини бир чеккага қўйиб, чуқур фикрлашга чорлайди деб ўйлаймиз.

Яратувчимиз Онанинг жисму жонига шундай бир қудратни жо айлаб қўйганки, унинг меҳридан бутун олам мунаввар, қаҳридан эса жами ёвузликлар, қабоҳатлар куйиб кул бўлғусидир.

Давоми 2-саҳифада

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларининг катта кўламини, бу сана халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини ҳар томонлама чуқур англаш, ор-номус, ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган умуммиллий байрам эканини эътиборга олиб ҳамда кўҳна қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, ижодий уюшмалар ва жамоатчиликнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик санасини 2006 йилда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита томонидан қайта кўриб чиқилган ҳолда:

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага, Қарши шаҳрида тарихий обидаларни таъмирлаш, қурилиш, ободонлаштириш ҳамда ижтимоий ва коммунал соҳада хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир комплекс тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Қашқадарё воҳаси, хусусан, Қарши шаҳрининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият берсин.

2. 2006 йилда буюк давлат арбоби ва улкан саркарда, миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлишини инобатга олиб, бу санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилсин.

3. Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва халқаро ташкилотлар иштирокида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда, «Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказсин.

4. Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Фанлар академиясининг Тарих институти билан биргаликда, мактаб ўқувчиларининг 2006 йил май-июнь ойларида Қарши шаҳрида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари дастури доирасида, юртимизнинг қадимий давлатчилик ва маданият тарихи, Амир Темур ва темурийларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир билимлар даражасини белгилаш юзасидан алоҳида танлов ўтказилишини назарда тутсин.

5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, Қашқадарё воҳасининнинг бой тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тарғиб этишга йўналтирилган минтақавий дастур ишлаб чиқиб, уни халқаро туристик ярмаркаларда реклама қилиш чора-тадбирларини белгиласин.

6. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари 2006 йилги давлат бюджети ҳамда инвестиция дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қарши шаҳрида юбилей тантаналарини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни маблағ билан таъминлашни кўзда тутсин.

Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейингина маблағ билан таъминланиши белгилаб қўйилсин.

7. Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ва иншоотлар учун хориждан келтириладиган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида божхона тўловларидан /божхона расмийлаштируви тўловларидан ташқари/ озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 26 июль.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МУЗОКАРАЛАРНИНГ ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Пекинда Корея яриморолида ядро муаммоси бўйича анчадан буён давом этиб келаётган, лекин ҳалигача бирор тайинли натижа бермаган музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди.

КХДР, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Россия ва АҚШ иштирокидаги бу мулоқот аслида ўтган йилнинг сентябрида бўлиши керак эди. Лекин Шимолий Корея ҳукумати АҚШга аччиқ қилиб, унда қатнашмаслигини маълум қилганидан сўнг музокара қолдирилди. Ниҳоят, ўн уч ойлик танаффусдан кейин томонлар яна учрашди.

Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосиннинг фикрича, бу галги мулоқот ҳам муаммо ечимига тўсқинлик қиладиган жиҳатлардан холи эмас. Биринчиси КХДР-АҚШ муносабатларига дахлдор. Пхеньян бошқалар қатори Корея яриморолини ядро қуролидан холи зонага айлантириш тарафдори, аммо унинг ядро дастуридан воз кечиши учун АҚШ Жанубий Кореядан ядровий қуролларини олиб чиқиб кетиши, бу ишга икки томон баравар қўл уриши керак. «Буни энг тўғри ва адолатли ечим деб биламан», деди КХДР делегацияси раҳбари Ким Ге Гван.

Вашингтон эса бу таклифга рози эмас. Шимолий Кореяга бу ишни АҚШ билан бир пайтда эмас, биринчи бўлиб бошлаш талаби қўйилмоқда. «Биз КХДР суверенитетини тан оламиз ва бу мамлакатга ҳужум қилишдан мутлақо йироқмиз», деди АҚШ делегацияси раҳбари Кристофер Хилл. Сабаби, Пхеньян ядро қуроли яратиш режасини мамлакатни АҚШ ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсади билан изоҳлаб келади. Агар Вашингтон Пхеньян билан дипломатик алоқа ўрнатиб, КХДРга ҳужум қилмасликка ваъда берса, масала ечими анча осонлашган бўларди.

Музокарадаги яна бир мураккаб жиҳат КХДР-Япония муносабатларига тааллуқли. Мулоқот чоғида Япония Шимолий Корея разведкаси томонидан ўғирлаб кетилган япон аскарлари тақдири билан боғлиқ масалани кўтариши эҳтимолдан холи эмас. Пхеньян эса учрашувда бу масаланинг муҳокама қилинишига мутлақо қарши.

Томонлар Пекинга фақат Корея яриморолидаги ядро муаммосини ҳал этиш учун йиғилган. Бу ерда бошқа масалани муҳокама қилиш мулоқотга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Россия, Хитой ҳамда Жанубий Корея вакиллари шундай фикр билдирди.

Хитой пойтахтидаги мулоқот ўтаётган «Дяоюйтай» қароргоҳи айни пайтда кучайтирилган тартибда қўриқланаяпти. Қароргоҳ ҳудудига киришчиқиш қаттиқ назоратга олинган. Барча делегациялар раҳбарлари ҳозирча мавҳум мулоҳазалар билан чекланаяпти, холос. Бундан кейин Корея яриморолидаги ядровий масала қандай тус олиши шу музокаранинг қандай якун топишига боғлиқ. Томонлар мазкур босқичда муайян натижаларга эриша олишига умид қиляпти.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ПУЧ МИЯНИНГ ТЎҚЛИК ДАЪВОСИ

ёки "Озодлик" радиосининг шу йил 18 июль куни эфирга чиққан "Қурултой" эшиттиришидаги сафсатабозлик талқинида

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мен ошириб юбораётганим йўқ. Ахир шу эшиттиришда "Ҳамма ўзбек қўй, бизнесмени ҳам қўй, деҳқони ҳам қўй" деган Бобомурод Абдуллаев, "халқимиз балиқ" деган Алимардон Аннаев, "халқ қўй, балиқ деган гаплар"га қўшилган Жаҳонгир Муҳаммадларнинг ўзи ким бўлди? Бугунги кунда жарроҳлик йўли билан одам қиёфасини ўзгартириш — бор гап. Аммо одам миллатини ўзгартириш мумкинми? Ўз халқи, хусусан, ота-онаси, қариндош-уруғини (улар ҳам ўзбек-ку) қўй, балиқ дея ҳайвонга менгзаган бу "ўзбек"ларнинг ўзларини халқи, миллатдошлари бугун қайси ҳайвон номи билан атаса тўғри бўлади? Яна уларнинг "овоз"лари "ҳанграган" ёки "акиллаган"га ўхшаб садо бериб турса... Улар яна халқ номидан гапиради. Ё алҳазар! Қайси халқ ўзини ўзи ҳақоратлайди? Ҳеч қайсиси, жумладан ўзбеклар ҳам.

Келинг энди, жаҳл отидан тушиб, (жаҳл чиқмайдиган ҳолат эмас-да бу гаплар) мулоҳазага, яъни уларнинг пуч сафсатаси сиёсатдан йироқлиги ҳақидаги фикримизни изоҳлашга ўтайлик. А.Искандар Прагадан эшиттириш қатнашчиларини таништиради: Ҳозир Швецияда истиқомат қилаётган ва ўзини мавжуд тузумга "мухолиф деб билган Ҳазратқул Худойберди", "ўзбек мухолифатини... бир жабҳа бўлиб бирлашишга ҳисса қўшаётган... Жаҳонгир Муҳаммад". Шайбон Тошкент студиясидагиларни таништиради: "Озод овоз" ташкилоти раҳбари Бобомурод Абдуллаев, таниқли сиёсатшунос (бир ўринда эса "мустақил сиёсатшунос" дейилади — **Ч.Л.**) Тошпўлат Йўлдошев, мустақил кузатувчи Алимардон Аннаев". Даъвонинг баландпарвозлигини қаранг: тузумга мухолиф, мустақил сиёсатшунос, мустақил кузатувчи, раҳбар... Бу сўзларда маъно борми ўзи? "Мустақил" сўзининг ҳожати борми бу ўринда?

Т.Йўлдошев дейди: "Ҳозирги пайтда дунёда энг оғир шароитда, қашшоқликда яшаётган иккита халқ бор. Бу ўзбек ва шимолий Корея халқларидир". Қандайдир манфаатлар эвазига ўз юрти, халқи номини шу даражада ёлғон билан ерга уриш учун одамда қандай юрак бўлиши керак? Умуман, одам бўлиш керакми? Бундай гапни фақат кўр ва кар одамни алдаш учун айтиш мумкин. Чунки, у дунё картасини, унда қанча эл-элат борлигини, қанчадан-қанча ночор аҳволли халқлар борлигини, Ўзбекистон ва номи қайд этилган мамлакат аҳволи аслида "энг оғир шароитда, ўта қашшоқликда" эмаслигини кўрмаган, эшитмаган бўлиши мумкин. Аммо ўша кўр ва кар одам ҳам махсус мосламаларда билим эгаллаган бўлса-чи? Албатта, у ҳам ишонмайди. Яна Т.Йўлдошев шу даражадаги паст билими, савиясизлиги билан сўзининг давомида Ўзбекистондаги тузум қандай бўлганда, ҳаёт даражаси қандай бўлиши ҳақида сафсата сотади.

Қаранг, ўзининг пойинтар-сойинтар, саводсиз жумлалари билан "машҳур" бўлган Б.Абдуллаев бундан икки йил аввал мамлакат тақдири ҳақида "ғоя" айтган экану ва бу "ғоя" шу пайтда мухолиф партия томонидан қабул қилинмасдан хато қилинган экан. "Афсус, минг афсус, қанча қон тўкилгандан кейин..." унинг ғояси тўғри бўлиб чиқибди эмиш. Унинг ғояси ҳозирги қонуний ҳукуматни қандай қилиб сиёсат саҳнасидан кетказиш йўли ҳақида экан. Элда бир мақол бор: "Ўзинг ким-чи, ўтириб бир жойингни чимчи". (Аслида бу мақолни сафсатабозларнинг барча фикрларига баҳо бериб, сўнг айтмоқчи эдим...)

Уларнинг суҳбатини тинглаб, уларнинг мақсадини ҳам англай бошлайсан киши. Яъни улар халқ озодлиги, эркинлиги, мамлакат ривожи ҳақида гапира туриб, ҳаяжонга берилган пайтда асл мақсадларини билиб-билмай очиб қўйишади. А.Аннаев (ўзини кузатувчи деб таништиради ва бошловчига ҳар сўзида мен мухолиф эмас, кузатувчиман, дея эслатиб туради. Аммо унинг барча фикри мухолифат нуқтаи назарига мос бўлиб чиқаяпти!) ҳатто халқ давлат тўнтаришига чиқмаслигини тан олиб, баъзи бир "креслоларни" талашаётганлардан бундай уринишни кутади. Демак, мақсад — қандай йўл билан бўлмасин, ким орқали бўлмасин мамлакатда, халқ орасида нотинч вазиятга эришиш. Халқ дарди аслида баҳона.

Швецияда истиқомат қилаётган Х.Худойбердининг Андижонда "ўқ отмаслик йўлини топмади" дея ҳукумат раҳбарларини айблаши, унинг ҳалигача Андижон фожеаси ҳақида воқеликдан олдин тўқилган сценарий соясида юрганлигини билдиради. Чунки кўплаб мухолифлар Андижон воқеаларининг сценарийсини тўқиб, 13 май тонгдаёқ турли жойларга узатган эди. Бугун, ҳақиқий аҳвол маълум бўлгач, ўша уйдирмачиларнинг шарманда бўлганидан бехабарга ўхшайди бу нўноқ "кузатувчи".

Улар фикрлашда шу даражада нўноқки, гап-сўзларидан бу қилаётган ҳаракатлари, сафсатабозликлари нафақат ҳукуматга, балки халққа ҳам қарши эканлигини ҳам сездириб қўйишади. Яна шуни англайсизки, бу гаплар замирида фақат халқнинг кучидан фойдаланиш назарда тутилганию, аммо халқнинг уларга эргашмаслигини тан олиш ҳам бор. Т.Йўлдошевнинг айтишича, қишлоқлардаги аҳоли кеч соат 9 бўлиши биланоқ уйга кириб кетишаркан. Нимага, денг! "Озодлик"ни эшитгани! Бу халқнинг кўтарилишига тайёрлигининг далолати эмиш?.. Бу аввало, ёлғон маълумот. Лекин бу ёлғонда бир ҳақиқат бор — Т.Йўлдошев "Озодлик" фақат мухолифат учун хизмат қилишини тан олаяпти. Энди Ж.Муҳаммаднинг уйқудан кеч уйғонишини кўринг: "Андижонда ҳам қўзғалган халқ эди" дейди у. Бу ёлғон фикрни айтиб, шарманда бўлган катта-катта сиёсатдон "устоз"ларининг олдидан ўтиб, кейин фикр қилса бўлмасмиди бу нодон-а. У "халқ" деб атаётган қонхўрларнинг энг бақуввати қўлида снайпер, бундайроғининг қўлида автомат, кичикроғининг қўлида тўппонча, қолганларида эса бензин тўла шиша идишлар бўлганини ва қандай ёвузликлар қилганини бутун Ўзбекистон халқи телеэкранда кўриб ўтирибди-ку.

Яна бу нодонлар ўзларича Ўзбекистон тақдирини гўёки ўзлари ҳал қиладигандек, биров уларга бу ваколатни топшириб қўйгандек гоҳ жаҳон ҳамжамияти, гоҳ АҚШ ҳукуматини тилга олиб, уларнинг Ўзбекистонга "муносабати"ни "шакллантиради"лар. Улардан ёрдам сўрайдилар. Кимсиз, ваколатингиз қанча ўзи, эй сиз, сафсатабозлар, дейдиган "Озодлик"нинг бир ходими йўқ. Энг ачинарлиси, бу нодон туҳматчилар Хитой, Россия каби нуфузли мамлакатлар раҳбарларини ҳам салбий бўёқ бериб баҳолайверадилар. Улар номидан хулоса айтадилар. Ҳатто Ленининг сўзларидан "ҳикмат" излайдилар.

Шу ўринда мен газетхонларимиз эътиборига бир мулоҳазани ташламоқчиман: хўш, сиз бу одамларни танийсизми? Уларнинг мамлакат, халқ учун нима хизмати бор? Уларнинг миллатимиз, халқимиз номидан гапиришга ҳаққи борми? Халқнинг ўзига қарши фитна уюштирса, уни хоҳласа зўр куч деб, хоҳласа бутун миллатни ҳайвонга қиёслаб сафсата айтса, улар сизнинг, яъни халқнинг, миллатнинг вакили бўла оладими?

Чори ЛАТИПОВ

Муносабат

Андижон вилояти

АЁЛ ОЛАМНИ МУНАВВАР ЭТГУВЧИДИР...

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Қадимдан юртда тинчлик, осойишталикни асраш, ҳимоя қилиш эркаклар иши бўлиб келган. Аммо тарихимиздан маълумки, қалтис вазият тақозоси билан қўлига қурол олиб, эркаклар қатори жангу жадалга кирган аёллар ҳам кам эмас. Белига белбоғ боғлаб, элатдошларини ёвуз душманлардан халос этган афсонавий Тўмарис, тулпор миниб, зулмга қарши мардонавор курашган довюрак Ойгул, ор-номусини ўткир қилич ва қалқон билан ҳимоя қилган Гулойим ва бошқалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Ёки шу йилнинг май ойида Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан эълон қилинган расмий маълумотларни олайлик: унга кўра 4555 нафар мард ва жасур ўзбекистонлик аёлларнинг ғалабага муносиб ҳисса қўшишгани маълум бўлди. Албатта, уларнинг мардлиги ва жасорати абадийдир, унутилмасдир.

Бугунги кунда юртимиз аёллари ҳам одамларимизни янада жипслашишга, ёвуз, бузғунчи кучларга қарши мардонавор курашга, огоҳликка чорлашаётгани барчамизга аён ҳақиқатдир.

Зеро, мустақил Ўзбекистоннинг Юртбошимиз раҳнамолигида ўзи танлаган йўлдан дадил бориб, тараққий этаётгани айрим ғаламис, ватанфуруш, ғаразгўй бадкирдорларга хуш келмаяпти, йўлимизга ғов ташлаб, ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун айрим иймон-эътиқоди суст, ҳаётда тажрибасиз, ғўр ёшларимиз, фарзандларимиздан фойдаланишаётганлиги Андижон воқеалари мисолида яна бир бор фош бўлиб қолди. Бўлиб ўтган мудҳиш воқеаларга бефарқ қарай олмаймиз! Чунки, бузғунчилар муқаддас ислом динини ниқоб қилаётганларнинг домига илинган, қалтис йўлга билиб-билмай кириб қолган ёшларимиз бор. Уларнинг бу йўлга кириб қолишгани бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз оқибати эмасми?

Агар олдимизга қўйилган муаммога жиддийроқ қарасак, энг аввало жамиятимизда фуқароларнинг маърифий-маънавий савияси, ахлоқий тарбиясига алоҳида аҳамият беришимиз жоиз. Бу борадаги тадбирларни ҳар бир оила, хонадон, меҳнат жамоаси, маҳалла-кўйда узлуксиз ва мунтазам равишда олиб бориш шарт. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Фарғона шаҳрида ўтказилган тадбирнинг маъно-мазмуни, аҳамияти ниҳоятда кенг ва долзарблиги алоҳида таҳсинга сазовор албатта. Буни концерт-манифест дастурининг сценарийси, ёшларнинг чиқишлари, Она Ватан ҳақида жўшиб-тошиб куйлашлари, қолаверса, кўпминг сонли томошабинларнинг самимий, ҳаяжонли, террорчиларга қарши ҳайқириқлари мисолида ҳам кўриш, сезиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, ҳурматли Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан сўнг Республика Хотин-қизлар қўмитаси сайъ-ҳаракатлари самараси ўлароқ аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ишчанлиги, ғайрат-шижоати тобора ривожланиб бормоқда. Буни Республикамиз вилоят, шаҳар, туманларида, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар ўтказаётган муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан, кўрик-танлов ва адабий-бадиий учрашувлардан ҳам билсак бўлади. Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган "Аёл оламни тебратар!" мавзусидаги тадбир бунинг бир намунаси бўлди.

Фикримизча, бундай тадбир анжуманлар бир вилоят ёки шаҳар доирасида эмас, балки республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туман қишлоқларида меҳнат жамоалари, маҳаллалари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ҳарбий бўлинмалар ходимлари билан яқин ҳамкорликда мунтазам равишда ўтказилиши керак.

Юқорида айтганимиздек, ўтказиладиган барча маънавий, маърифий тадбирлар амалиёт билан чамбарчас боғлансагина ва бу ишлар мавсумий бўлмай, йил бўйи мунтазам олиб борилсагина кутилган самарани беради. Бундан барча, айниқса, азиз ва меҳрибон оналаримизнинг кўзлари қувнаб, диллари яйрайди.

Мақоламизни қуйидаги шеър билан якунлашни маъқул кўрдик.

Ўзбекистон боғу-роғларин,
Оралади калхату бойқуш!
Унинг ёвуз ўйи, турқидан,
Вужуд титрар, бошдан учар хуш!
Бу оқпадар, хоин, нонкўрлар,
Ватан қадрин қайдан билишсин?
Дили қора, кўзи сўқирлар,
Гулшан қадрин қайдан билишсин?
Биз муқаддас, озод Ватанда,
Энг гуллаган обод чаманда.

Муҳаммадга содиқ умматмиз,
Аҳли иймон, солиҳ миллатмиз.
Биз қанотмиз Йўлбошчимизга,
Биз нажотмиз ўз юртимизга!
Истиқлол байроғи ҳилпирар,
Қайтмагаймиз ҳеч ортимизга!
Огоҳ бўлинг, азиз одамлар.
Ўз эркимиз ўз қўлимизда!
Бўлсак якдил хуш ўтар дамлар,
Фов бўлолмас ёв йўлимизда.

Исфандиёр ЛАТИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси,
Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди,
Насимхон БОЛАҚЎЗИЕВ,
уруш ногирони,
Искандар РАҲМОН,
Қуролли кучлар фахрийси, шоир,
Гулчеҳра КАРИМОВА,
Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,
Баҳодир СУЛТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

МАСЛАҲАТЧИЛАР МАСЛАҲАТЧИСИ

Раъно Мадраҳимова кўп йиллар давомида мактабларда ўқитувчи, директор лавозимларида фаолият кўрсатган.

Раъно опа самарали меҳнатлари учун "Халқ таълими фидойиси", "Халқ таълими аълочиси" деган фахрли номга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди. Бу рағбатлар замирида машаққатли меҳнат, фидойилик, билимдонлик ётади.

Бугун Раъно Мадраҳимованинг фаолияти маҳалла билан боғланган. У Хўжаобод шаҳридаги Гулистон маҳалласи фуқаролар йиғининининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Раъно Мадраҳимова бўш вақт топти дегунча, туманнинг бош маслаҳатчиси сифатида бошқа маҳаллаларга боради. Уни шундай лавозимга ҳам муносиб кўришган. Маслаҳатчиларнинг ишларини ўрганади, уларга амалий ёрдам беради.

— Маҳалладаги ишларнинг бисёрлигини кўриб Президентимиз маслаҳатчи лавозимини жуда ўринли жорий қилганлигига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Раъно опа. — Аслида, маслаҳатчини тарғиботчи деса ҳам бўлади. Шу боис, у тинмай ўқиши, дунёвий ва диний билимларини бойитиб бориши керак экан. Матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган ҳар бир янгилик маслаҳатчининг назаридан четда қолмаслиги даркор.

Биз Раъно опа фаолияти билан танишар эканмиз, бир ҳақиқат аён бўлаверади: Раъно Мадраҳимова қайси ва қандай вазифада ишламасин, қай бир ишни амалга оширмасин ташкилотчи, ташаббускор, фаол ва оқила аёл сифатида намоён бўлади. Ўзининг бор куч-ғайратини фаолияти ривожи, эл-юрт фаровонлиги учун бағишлайди.

Мухтасархон ҚЎЛДОШЕВА

СУРАТДА: *Р.Мадраҳимова фаол аёллар билан.*

Муҳтарам маҳалладошлар!

Обуна — 2005

Ёдингизда бўлсинки, "Mahalla"га обуна бўлиш учун ҳеч қачон эрта ёки кеч бўлмайди. Йил бошиданоқ, ёки ўртасида, хуллас, истаган вақтингизда муштарийларимиз сафидан ўрин олишингиз мумкин.

Маслаҳатчиларга кўмак

ЖОҲИЛЛИКА ҚАРШИ КУРАШ — БУРЧИМИЗ!

Бу борада маслаҳатчилар ва дин пешволарининг ҳамкорлиги айниқса самаралидир.

Мамлакатимиз ривожланиш босқичига чиқиб, халқимизнинг турмуш даражаси, фаровонлиги ҳам ортиб бормоқда.

Бироқ юртимиз равнақини кўра олмайдиган ёвуз кимсалар диний экстремизм, ақидапарастлик, ваҳҳобийлик каби жирканч оқимлар таъсирида ёшлар онгини заҳарлашга, турмушимиз фаровонлигига раҳна солишга уринмоқдалар. Бундай жирканч иллатларнинг олдини олиш, ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни миллий истиқлол мафкураси асосида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Дунё бўйлаб террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб, дунё аҳли қалбини нафратга тўлдираётган "Ҳизбут-таҳрир" оқимнинг асл мақсади иғво, бўҳтон, таҳдид орқали мамлакатлар тинчлиги, жамият тараққиётига путур етказишдан ўзга нарса эмас.

Улар "Ким имонсиз, яъни халифасиз ҳаётдан ўтса, у жоҳилият замонида ўлганлардек ўлибди" дея такрорланадиган ҳадисни асос қилиб олишган. Бу ҳадиси шариф барча замонда ва ҳамма инсонларга тааллуқли эмас, балки мусулмонларда халифа мавжуд бўла туриб, унга итоат қилишга байъат қилмаган кишиларгагина хосдир. Демак, бу ҳадис хос замонлар ва инсонларга нисбатан айтилгандир. Уларнинг бу қора ниятлари ҳеч қачон рўёбга чиқмайди. Зотан жамият ривожи бунга асло йўл қўймайди. Шундай экан, норасмий диний оқимлар аъзоларининг бугунги фаровон жамиятимиз учун хавфли, ислом динига мос келмайдиган қарашлари ғаразли мақсадни кўзлаётгани ҳақида кенг жамоатчиликка етказиш дин пешволарининг ҳам қарз, ҳам фарздир. Вилоятимиздаги жомеъ масжидлари мутаддилари бундай зарарли оқимлар раҳнамоларининг ёвуз мақсадларини кенг халқ оммасига тушунтириб бериш борасида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида фаолдирлар. Барча имом-хатиблар, айниқса, вакиллик ноиб-имомлари ва бошқа мутасадди ходимлари туманларда бўлиб, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда суҳбатлар уюштириб, диннинг софлиги, бузғунчиларнинг фаолияти ислом дини талабларига тамоман зид экани ҳақида маърузалар ўқишмоқда. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун вилоят миқёсида ташкил этилган семинарларда уламоларимиз томонидан ўқилган "Ислом — меҳр-шавқат ва мурувват дини", "Шариатда никоҳ масалалари", "Ёшларни тарбиялашда диний экстремизм, ақидапарастлик, ваҳҳобийлик ва "Ҳизбут-таҳрир" хавфидан огоҳ бўлиш", "Эр-хотин ўртасидаги ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида", "Оила—тарбия маскани" мавзуларидаги маърузалар маслаҳатчилар фаолиятида катта кўмак бўлишига ишончимиз комил. Айни кунгача бундай семинарларда вилоятимиздаги 470 нафар маслаҳатчилар қатнашдилар.

И.РАЙҲОНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қашқадарё вилоятидаги вакили, вилоят Бош имом-хатиби.

Жиззах вилояти

14 рақамида қандайдир теран маъно борлигини хаёлимизга келтирганмизми?! Шоирларимиз севикли ёр юзини 14 кунлик ойга менгзаганларида уларнинг гапига қўшилганмиз. Халқимизнинг миллий қаҳрамони — Алпомиш 14 ёшида камондан ўқ узиб Асқар тоғининг чўққисини забт этганин куйлаган Фозил Йўлдош бобомиздан ўқиб юрагимиз бир олам фахрга тўлган.

"МАҲАЛЛА"НИНГ ҒАЛЛАСИ

14 рақами билан боғлиқ бўлган бундай саналарни эслайверсак, уларнинг адоғига етиш қийин. Айниқса, Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги яқинлашгани сайин бу рақамга бўлган меҳр-муҳаббатимиз ҳам ошиб бораяпти. Ўтган 14 йил ичида мустақил республикамизда амалга оширилган ишларни таърифлаш учун сўз оз. Вилоятда ҳам бундай ибратли ишлар бисёр. Мустақиллигимиз байрамига атаб жорий йилда Мирзачўл тумани марказида учта гузар қурилиб фойдаланишга топширилди ва вилоятда гузарлар сони 41 тага етди. Бу гузарларда тадбиркорликни йўлга қўйиш, кичик бизнесни ривожлантириш учун ҳамма шароитлар бор. Ғаллаорол туманининг Олимлар маҳалласида ҳашар йўли билан қурилган спорт мажмуаси ҳам Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдидан фойдаланишга топширилди.

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, туман ва шаҳар бўлинмалари жамоалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, шу йўл билан маҳаллаларнинг низомий вазифаларни бажаришига кўмаклашмоқда. Хусусан, фаровонлигимизни таъминловчи неъмат — ғалла етиштиришга ўз ҳиссаларини қўшаётган маҳаллалар сони йил сайин ошиб бормоқда. Жамғарманинг вилоят бўлими ғаллакорлари Жиззах туманидаги Ҳ.Олимжон номли ширкат хўжалигида деҳқончилик қилиб шартномадаги режадан анча кўп — 32 тоннадан ошиқроқ ғалла топширдилар. Етиштирилган маҳсулот эвазига 2 миллион 866 минг сўм даромад олинди. Бу борада жамғарманинг Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор тумани бўлинмаларида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Шунингдек, вилоятда пахта ва бошқа қишлоқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Бу ўз навбатида маҳаллаларнинг имкониятлари янада кенгайишига асос яратмоқда.

Президентимиз томонидан Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарори вилоят маҳаллалари аҳлига куч ва ғайрат бағишлади. Республикамизнинг улуғ байрами яқинлашгани сайин маҳаллалар ўз имкониятларини янада тўлароқ намойиш этиш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Жамғарманинг вилоят бўлимида

ҲУНАРМАНД АЁЛЛАР

улар ҳам жамият тараққиётига, ҳам ўз оилалари фаровонлигига ҳисса қўшмоқдалар

Мамлакатимиз Мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ муҳтарам Президентимиз "Ҳар қандай жамоани, ҳар қайси жамиятни, ҳар қандай муҳитни, авваламбор аёл обод этади" деган ғояни илгари сурган эди. Бу ғоя кейинги ўн тўрт йил давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда, Давлат дастурларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш" дастурини бажариш мақсадида махсус тадбир белгилади. Бу тадбир вилоят ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланди ҳамда уни бажариш бўйича алоҳида ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари жойларда бўлиб, биринчи навбатда ишсиз аёлларни аниқлади ва улар билан суҳбатлар ўтказиб, ўз маслаҳат ҳамда тавсияларини берди.

Вилоят бўйича 2005 йилнинг олти ойида 14 минг 376 нафар аёл ишсизлар рўйхатига киритилган эди. Ҳокимликлар ва маҳаллалар саъй-ҳаракати билан ҳозиргача жойларда мингга яқин янги иш ўринлари яратилиб, 10 минг 286 нафар аёл иш билан таъминланди. 584 нафар аёл ҳунармандчиликнинг айрим турлари бўйича ўқитилмоқда.

Бу борада маҳаллалардаги тадбиркор аёллар саъй-ҳаракати катта бўлмоқда. Йил бошидан буён улар ёрдамида жойларда ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, кичик корхоналар, қандолатчилик цехлари, оилавий ҳунармандчилик бўйича янги иш ўринлари яратилиб, уйда ўтирган кўплаб ишсиз аёллар ишга жойлаштирилди. Жумладан, Данғара туманидаги 20 та тадбиркор аёл кучи билан маҳаллаларда каштачилик, атлас тўқиш, дўппи тикиш, тикувчилик, қандолатчилик ва сабзавотни қайта ишлаш цехлари очилиб, 400 га яқин аёл муқим иш билан таъминланди.

Бувайда ва Учкўприк туманлари маҳаллаларида қўй жунидан кийим тўқиш бўйича оилавий иш ўринлари яратилиб, 5 минг нафар аёл иш билан таъминланди. Бешариқ туманида ишсиз аёлларни ишга жойлаштириш билан бирга балоғат ёшидаги қизларга касб-ҳунар ўргатиш йўлга қўйилган. Фарғона ва Олтиариқ туманлари маҳаллаларида ҳам хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар ўргатиш яхши йўлга қўйилган.

Қўқон ва Марғилон шаҳарларида новвойлик, зардўзлик, дўппи, тўн тикиш бўйича оилавий ҳунармандлар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу шаҳарларда ишсиз аёллар йўқ ҳисобида.

Янги иш ўринлари очиб, ишсизларни иш билан таъминлашда Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ёрдами ҳам катта бўлмоқда. Ушбу вазирлик раҳбарлари ва ходимлари ўтган ойларда вилоятимизда бир неча бор бўлиб, кам таъминланган оилалар уй шароити билан яқиндан танишдилар ҳамда амалий ёрдам бердилар. Масалан, вилоятимизнинг Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош ҳудудларидаги маҳаллаларда яшовчи 12 минг 412 та оиланинг шароити ўрганиб чиқилди.

Фарғона вилояти

Уларнинг 2920 тасида оилавий тадбиркорликни, хусусан, чорвачилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тайёрланиб, банклар томонидан 1835 та оилага бир миллиард етти юз миллион сўмга яқин имтиёзли кредит расмийлаштирилди ва берилди.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Риштон туманидаги Зарариқ маҳалласи фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор аёл Мўътабархон Султонова томонидан 9 миллион сўм кредит олиниб, кичик миллий ҳунармандчилик корхонаси ташкил қилинди ва 58 нафар аёл иш билан таъминланди. Марғилон шаҳридаги Бурхониддин Марғиноний маҳалласида 70 нафар, Байналминал маҳалласида 60 нафар, Бобур номли маҳаллада 22 нафар, Қўқон шаҳридаги Ғози ёғлиқ маҳалласида 18 нафар, Ёғ бозор маҳалласида 12 нафар ишсиз аёллар учун шу йўл билан иш ўринлари яратилмоқда. Шундай иш ўринлари бугунги кунда Қувасой шаҳри, Тошлоқ, Охунбобоев ва бошқа туманларда ҳам ташкил қилинмоқда.

Вилоятимизда янги иш ўринлари яратиш, ишламай уйда ўтирган хотин-қизларни ишга жойлаштириш борасида кейинги вақтларда бир мунча ишлар қилинган бўлсада, бу борада ҳали камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳурматли Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, бандлик ва айниқса, ишламай юрган аёлларни ишга жойлаштириш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Жамғарманинг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, фаоллар бундан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш борасидаги фаолиятимизни янада кучайтирамиз.

Толибжон ҲАФИЗОВ,
Фарғона вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Сурхондарё вилояти

РАИС ЭЛ ЭЪТИРОФИДА

Узун тумани Сурхон воҳасининг шимолий қисмидан ўрин олган. Туя ўркач қир-адирликлари Тожикистон сарҳадларига туташиб кетган. Регар, Ҳисор туманлари билан қўшни. Туманда еттита қишлоқ, қирқта маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда. Улар орасида Телпакчинор қишлоқ фуқаролар йиғини алоҳида ўрин тутади. Ҳудуди кенг, йигирма тўққизта қишлоқни ўз ичига олади. Аҳолисининг сони ўттиз тўққиз минг киши.

Ўктам Йўлдошев ўн икки йил илгари қишлоқ йиғинига котиб этиб тайинланган эди. Ҳалол ишлади, халқнинг ишончини қозонди. Шу боис 1998 йилда уни аҳоли раисликка сайлади.

Бобомурод Омонов номли фермер хўжаликлари уюшмаси, Ж.Эшмирзаев номли ҳамда "Гулистон" ширкат хўжаликлари ҳам Телпакчинор қишлоқ йиғини ҳудудида жойлашган. Раис Ўктам Йўлдошев тез-тез далада, ғаллакорлар, пахтакорлар ҳузурида бўлади. Маҳалла оқсоқоллари ҳам унга йўлдош. Бунинг боиси бор. Хўжаликларда эришилаётган муваффақиятдан қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам манфаатдор. Ўтган йили ширкат ва фермер хўжаликларида ғалла ва пахтадан юксак хирмон яратилди. Даромад кутилганидан зиёд бўлди. Олинган соф фойданинг бир қисми маҳаллалар ободончилигига, эҳтиёжманд одамларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланди.

Маҳаллада яшовчи аҳоли ичимлик суви билан таъминланган. Ўтган йили Истиқлол маҳалласининг Новобод, Гулистон маҳалласининг Қовчин ҳамда Гулистон қишлоқларидаги икки юз эллик хонадонда зангори олов ёнди. Ҳозир ҳам бу иш қизғин давом эттириляпти. Новобод, Гулистон, Узунқишлоқ маҳаллаларининг чекка қишлоқларига газ қувурлари тортилмоқда.

— Қишлоқ одамлари орасида ишсизлар сони жуда кам,—дейди Ўктам Йўлдошев. — Бу муаммо аллақачон барҳам топган. Марказий шифохона, халқ таълими бўлими, "Қорашиқ машъали" савдо ишлаб чиқариш корхонаси бизнинг ҳудудда жойлашган. Уларнинг аксарият ишчи-хизматчиларини телпакчикорликлар ташкил қилади. Шунингдек, янги ишчи ўринлари очишга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Ўктам Йўлдошев қишлоқда болалар спортини кенг йўлга қўйишга эришаяпти. Қорашиқ маҳалласи ўзининг замонавий ўйингоҳига эга бўлди. Унинг қошида спорт мактаби фаолият юрита бошлади. Янгикуч, Дўстлик, Хатиб-Қаҳрамон, Узунқишлоқ, Янгиҳаёт, Истиқлол маҳаллалари ўғил-қизларининг ҳам қувончи чексиз. Бу ерда қурилган янги ўйингоҳлар уларнинг ихтиёрида. Тожикон маҳалласида теннис корти мавжуд. Иккита майдон теннис ишқибозлари билан гавжум.

Қишлоқнинг ички йўлларини ободонлаштириш учун бу йил ўн минг тупга яқин кўчат ўтказилди, 18 км. узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди, атрофига гуллар экилди. Қишлоқ ҳудудида тўққизта қабристон жойлашган. Улар обод, тоза. Янгикуч қишлоқ қабристонини ободонлаштиришга икки ярим миллион сўм маблағ сарфланди. Пулни саховатпеша одамлар берди.

Қишлоқ йиғини туманнинг чегара ҳудудида жойлашган. Маҳалла посбонлари ҳамиша ҳушёр ва сергак.

Ҳа, яхшиларни эл эъзозлайди. Амалга ошираётган ишларини мамнуният билан тилга олади, ибрат қилиб кўрсатади. Ўктам Йўлдошевнинг хизматлари ҳам бугун элнинг эътирофида.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

"МАҲАЛЛА ЗИЁСИ" МАҲАЛЛАЛАРДА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси қошидаги республика "Маҳалла зиёси" ўқув маркази ходимлари зарурий тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва амалга ошира бошлади.

Хусусан, марказ ходимлари "Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда Бўка, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ туманларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар малакасини ошириш кўчма курсларини ташкил этдилар. Курс ўқув-семинарларида вилоят ва туманлар ҳаётидаги муҳим воқеалар, маҳаллалар фаолиятидаги долзарб муаммолар, ислом динида инсонпарварлик ғоялари моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, курс тингловчилари диний маърифат тушунчаси, маслаҳатчи фаолиятидаги муҳим жиҳатлар, Андижондаги хунрезликларни уюштирган акромийлар диний экстремистик оқими вакилларининг асл мақсадлари хусусида ҳам кенг тушунча ва билимга эга бўлдилар.

Айтиш жоизки, туман ва маҳаллаларда ўтказилаётган бундай тадбирларда таъкидланган фикр-мулоҳазалар маслаҳатчилар учун махсус йўриқнома вазифасини ўтайди. Қолаверса, тадбирда иштирок этган маҳалла маслаҳатчилари ўзаро тажриба ва фикр алмашиб, ўз фаолиятларида катта ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли имкониятга эга бўлдилар.

Мастура ҚОРАБОЕВА,
"Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг бош мутахассиси.

Тошкент вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Янгийўллик Роза Матмусаева аёллар ўртасида кам учрайдиган касб эгаси. У тумандаги Халқобод қишлоғида жойлашган иссиқлик таъминоти тармоғида оператор сифатида ускуналарни созлаш, таъмирлаш ишларига бош-қош.

Посбонлар тизимида янгиликлар

ТАЛАБА ПОСБОНЛАР МАРКАЗИ

Маҳаллаларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлашда ички ишлар идоралари билан аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш маҳалла посбонлари зиммасидаги вазифалардан.

Посбонлар ёрдамида кўплаб жиноятлар фош этиляпти, тергов ва суддан яшириниб юрган жиноятчилар ушланмоқда. Шундай бўлсада, жиноятчиликни камайтириш ва осойишталикни сақлашда маҳалла посбонларининг ўрни ва ролини янада ошириш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш лозимлиги кўзга ташланмоқда. Шу мақсадда вилоят ҳокими "Вилоятда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, жамоат тартибини мустаҳкамлашда "Маҳалла посбонлари" ҳамда бошқа жамоат уюшмалари ролини кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Қарорда белгиланганидек, вилоятдаги мавжуд 1027 та маҳаллада фаолият юритаётган маҳалла посбонлари сардорлари ҳамда аъзоларининг сифат таркиби туман, шаҳар ҳокимликлари, "Маҳалла" жамғармаси ва ички ишлар бўлимлари томонидан қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сафи иқтидорли, жисмоний бақувват, маънавий баркамол ва Ватанга садоқатли ёшлар ҳисобидан тўлдирилади. Шунингдек, посбонларнинг ҳуқуқий савияси ва малакасини ошириш мақсадида туман, шаҳар миқёсида махсус ўқув-семинарлар ўтказиш ҳам белгиланган.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда бевосита маҳалла посбонлари ёрдамида 20 та жиноят очилган, 887 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Ички ишлар идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари ва посбонларининг саъй-ҳаракати билан 585 та маҳаллаларда жиноий хатти-ҳаракатларга умуман йўл қўйилмаган.

Маҳалла посбонларидан ташқари энди вилоятдаги олийгоҳлар, коллеж ва лицейларда сиёсий онги ривожланган, билимдон ва ташаббускор ёшлардан иборат "Талаба-посбонлар" марказлари ташкил этилади. Бу марказга аъзо бўлган ёшлар Президентимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг моҳиятини талаба ёшларга тушунтирадилар, уларни турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишдан, ички ликбозлик ва гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарликдан сақлаш ҳамда ўзлари таълим олаётган билим даргоҳи, талабалар уйида осойишталикни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига яқин кўмакчи бўлишади.

Дарвоқе, жиноятчиликни олдини олишда ташаббускорлик кўрсатаётган маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда талаба-посбонларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мақсадида вилоятда "Посбонлар" жамғармаси ташкил этиладиган бўлди. Бу эса ўз навбатида уларнинг фаоллиги ва иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Маҳалга мулк керакми?

ҲАШАРДА ҚУРИЛГАН БИНО: У КИМГА ТЕГИШЛИ?

Таҳририятимиз почта қутисига келиб тушган навбатдаги мактуб Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Жума шаҳридаги Самарқанд номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ч.Эргашевдан экан. Оқсоқол ўз мактубида бир вақтлар маҳаллада ҳашар ва хайрия йўли билан қурилган бинонинг нима учундир айни кунда маҳалла тасарруфида эмаслиги, балки шу боисдан ҳам яроқсиз аҳволга тушгани ҳақида баён қилиб, таҳририятдан бу масалага ойдинлик киритишда кўмак сўраган.

Оқсоқолнинг ёзишича, масала моҳияти қуйидагича: Самарқанд номли маҳалла қарийб 32 йиллик тарихга эга, у 1973 йилда ташкил топган ва 15 йил давомида маҳалла раиси ва котиби лавозими жамоатчилик асосида бажарилган. Маҳалла ташкил бўлган кезларда, маҳалла оқсоқоллари, кайвонилари кенгашиб, чойхона, новвойхона дўкон ва бошқа маиший хизматлар кўрсатилиши учун ҳашар йўли билан бинолар барпо этишга қарор қилганлар. Шундай қилиб, туманнинг ўша пайтдаги мутасадди ташкилотлари хайрихоҳлиги ва ҳомий ташкилотлар ёрдами, қолаверса, маҳалла аҳлининг хайрия маблағлари эвазига 1985 йилга келиб бу ерда "Қариялар чойхонаси", озиқ-овқат ва гўшт дўкони, сомсахона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси қуриб битирилган. Бинолар учун жой шаҳардаги 21-мактаб ҳудудидан ажратилган бўлса, қурилиш хом-ашёларини тўплашда туман Истироҳат боғи, пахта тозалаш ва механика заводлари маъмурияти кўмаклашган. Қурилиш ишлари шаҳардаги 90-қурилиш-таъмирлаш корхонаси томонидан амалга оширилган. Бўёқ бериш ишлари ва бошқа турли харажатлар маҳалладаги ҳар бир хонадондан йиғилган маблағ ва ўзига тўқ оилаларнинг хайриялари ҳисобидан қопланган. Чойхона томини ёпишда хом ашё танқислиги сезилганда туман матлубот жамияти томонидан шифер ажратилган. Бинолар битгач, чойхона фаолияти туман умумий овқатланиш корхонаси, новвойхона иши туман нон ишлаб чиқариш корхонаси, пойабал тузатиш устахонаси ва сартарошхона фаолияти эса туман маиший хизмат кўрсатиш комбинати томонидан ташкиллаштирилган. Қассобхонада ҳам фақат қайсидир ташкилот томонидан тайинланган қассоблар ишлашган. Муҳими, аҳолига тегишли хизматлар кўрсатиб келинган. Бироқ, юртимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими фаолиятини ривожлантириш, унинг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлаш масаласи давлат даражасидаги масалага айланиб, бу борада катта салмоқдаги амалий ишлар қилинаётган бугунги кунга келиб, бу биноларнинг деярли барчаси яроқсиз ҳолга келиб қолган. Чунки яқин йилларгача уларнинг фаолиятини йўлга қўйиб, даромад олиб келган ташкилот мутасаддиларининг биронтаси бинони жорий таъмирлаш ҳақида ўйлашмаган.

Айни дамда оқсоқолни бир масала ўйлантирмоқда: **"...Уч ойдирки "Қариялар чойхонаси" эшигига қулф осиғлиқ. Йиғинимиз бунга нисбатан бирор тадбир қўллашга ожиз, чунки чойхона айни кунда туман "Матлуботсавдо" очиқ акциядорлик жамияти балансида эмиш. Маҳаллада ҳашар йўли билан қурилган бино қандай асосда бир ташкилот балансига олиниши мумкинлигига ҳайронмиз. Бу саволга жавоб олиш илинжида қилган бир нечта мурожаатларимизга жўяли жавоб ололмадик. Бозор иқтисодиёти шароитида яна шундай биноларни қуриш мушкул иш. Маҳалламиз аҳли турмуши, ҳаётини яхшилаш учун эса бу биноларнинг аҳамияти катта. Қулф осилган чойхонани, томи ва тўсинлари кўпориб олинган новвойхона биносини бугун кўрган кишида бир пайтлар бу ерларнинг обод бўлганига шубҳа туғилиши аниқ. Биноларнинг аҳволини кўрганларда шубҳа билан бирга маҳалла йиғини, аҳли бу биноларни нега шу ҳолича ташлаб қўйган экан, деган савол ҳам туғилар балки. Афсуски, бу бинолар бугун маҳаллага тегишли эмас..."**

Биз бу мактубга илова қилинган "Матлуботсавдо" ОАЖнинг оқсоқолнинг мурожаатига берган жавобини ҳам синчиклаб ўқидик. Ва оқсоқол томонидан қўйилаётган "Маҳаллада ҳашар йўли билан қурилган бино қандай асосда ва қачон "Матлуботсавдо" балансига ўтган?" деган саволга "Матлуботсавдо" раҳбарлари унинг ҳозирги баҳосини кўрсатиб жавоб қайтариш билан вазиятдан "қутулиб" қўйишмоқда экан. Бу саволга қонуний асосланган бирор жавоб олишга умид қилган ҳолда мактубни газетада ёртишга қарор қилдик.

ТАҲРИРИЯТ

Қорақалпоғистон Республикаси

Амударё туманидаги Қипчоқ овул фуқаролар йиғини ҳудуди ва аҳолиси жиҳатидан йирик йиғин ҳисобланади. Унда 12 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

ҚЎШМА ҚАРОР САМАРАСИ

Яқинда овулдаги жамоатчилик асосида иш олиб борувчи 7 нафар маҳалла раислари, ўқув муассаса ҳамда корхона, ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ва Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" жамғармасининг "Таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилиги ҳамкорлигини самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2005 йил 3 июндаги қўшма қарори кўриб чиқилиб овулдаги ўқув муассасалари, маҳалла жамоатчилиги ва корхона-ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилди. Шунингдек, ёшларнинг мунтазам бандилигини таъминлаш, уларнинг касб-ҳунар ўрганишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини назорат қилиш бўйича тадбирлар ҳамда ўсмирларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари амалга ошириб борилмоқда.

Овулда "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурини бажариш бўйича аҳолининг соғлигини сақлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилиб, ер остидан сифатли сув чиқарувчи 14 та кран қурилиб, ишга туширилди. 18 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда. Ногирон, якка-ёлғиз ва қариялар ҳомий ташкилотларга биркитилиб қўйилган бўлиб, улардан ўз вақтида хабар олиниб, ёрдам кўрсатилмоқда.

"Хотин-қизларни иш билан таъминлаш" дастурлари режасига асосан 2005 йилнинг биринчи ярмида 23 та иш ўринлари ташкил этилиб, 23 нафар аёллар иш билан таъминланди.

Ҳудудда кам таъминланган ва кўп болали оилалар алоҳида ҳисобга олинган. Уларга тегишли моддий ёрдам ва болалар нафақалари тайинланиб, ёрдам кўрсатилмоқда.

Бахтиёр ЖЎЛЛИБОЕВ,
Амударё тумани Қипчоқ овули фуқаролар йиғини раиси.

Самарқанд вилояти

"МОҲИГУЛ" – ҒОЛИБ

Самарқанд шаҳридаги "Темирйўл" истироҳат боғида маҳалла маслаҳатчи аёллари ўртасида ўтказилаётган "Ҳуқуқий ва тиббий жиҳатдан энг саводли хотин-қизлар" Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Танлов иштирокчилари ҳуқуқий ва тиббий саводсизлик оқибатлари, оила ва никоҳ муаммолари, уларни бартараф этишда маҳалла маслаҳатчиларининг вазифалари каби шартлар бўйича беллашдилар.

Баҳолар якунига кўра Каттақўрғон туманининг "Моҳигул" хотин-қизлар гуруҳи биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Рустам ХАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қадимий шаҳарлар тарихи

ДАЛВАРЗИНТЕПА АФСОНАСИ

IV асргача гуллаб яшнаган Далварзинтепа ҳудудидаги Кушонлар ипмериясининг шаҳри IV асрдан сўнг номаълум сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган. Ҳозирги кунда ушбу шаҳар ўрнида 57 гектардаги тепалик мавжуд бўлиб, у 1962 йилдан буён археологлар томонидан ўрганилмоқда. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Далварзинтепа тепалиги тўртбурчак шаклида ва шаҳар ташқарисида арк бўлиб, атрофи сув билан ўралган.

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти профессори, тарих фанлари номзоди Баҳодир Турғунов ушбу қазув ишларини Японияннинг Токиодаги Сока университети ва Кашихардаги археология институтининг профессори Кюдзо Като раҳбарлигидаги экспедиция билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Япон археологлари ва ўзбекистонлик талабалар ҳар йили ушбу тепаликда иш олиб бориб, топилмаларни ўрганишади. Шу жумладан, "Жанубий Ўзбекистоннинг ёдгорликлари", "Далварзинтепа Шаҳристони" деб номланган китоблар япон, рус ва ўзбек тилларида нашрдан чиққан.

Тепаликнинг 30 дан ортиқ жойида қазув ишлари олиб борилган бўлиб, уларга Бойлар маҳалласи, Шоҳ қасри (тепаликдан алоҳида жойда жойлашган), Кулол уйи, Будда ибодатхонаси каби топилмаларга қараб номланган жойлар киради. Хусусан, Бойлар маҳалласининг бундай номланиши бежиз эмас, сабаби уйлар кетма-кет жойлашган бўлиб, хоналар катта-катта ва у ошхона, зал кабиларга бўлинган. Кўпчилигининг кириш қисмида устунлар жойлаштирилган, топилмалар ҳам қимматбаҳо. 1972 йили катта шов-шувга сабаб бўлган кўза ичидаги 36 килограмм 17 граммни ташкил этган тилла тақинчоқлар ҳам шу хонадонларнинг биридан топилган. Олтинларни археолог-олим Пугаченкова ўрганган. Биргина Будда ибодатхонасидан эса 30 га яқин турли ҳажмдаги ҳайкаллар топилган. Ушбу топилмалар бугунги кунгача Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида сақланиб келган

СУРАТДА: *Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари Далварзинтепада қидирув-ўрганиш ишларини олиб бораётган пайт.*

бўлиб, айни кунларда уларнинг кўпчилиги япон олимлари томонидан кўргазма қилиш мақсадида олти ой муддатга Япония давлатига олиб кетилган.

Сурхондарё аҳолиси Далварзинтепа тепалигининг бундай номланиши сабабларини билишмайди, лекин шу ном билан боғлиқ афсонага ишонишади. Бу афсона шоҳ Варзин ва унинг гўзал қизи Далолой билан боғлиқ бўлиб, унинг салтанати шунчалик буюк эканки, унга бошқа мамлакатлар ҳукмдорлари ҳам ҳавас, ҳам ҳасад кўзи билан қарар эканлар. Бир куни шаҳарга душман оралабди. Шаҳар ҳар томонлама яхши ҳимоя қилинганлиги боис, кириш йўлларини аниқлаш мақсадида душман ҳукмдори дорбоз кийимида шаҳарга кириб келади. Дор ўйнаётган ҳукмдорни кўрган Далолой унга ошиқ бўлиб қолади. Буни пайқаган душман, пайтдан фойдаланиб қиздан шаҳарга кириш йўлларини сўрайди. Муҳаббатдан кўзи кўр бўлган қиз отасини, халқини хавфга қўйиб шаҳарга олиб кирадиган йўлларни унга айтади. Душман ўз қўшинлари билан бостириб киради. Душман кучли эканлигини кўрган шоҳ Варзин ўзининг сеҳргарлик хусусиятини ишга солиб ўз халқини турли ҳайвонларга айлантириб, уларга қочишни буюради. Ҳар томонга қочаётган ҳайвонлар душман томонидан ўлдирилиб, шаҳар қўлга олинади. Лекин шоҳ Варзиннинг на ўлиги, на тириги топилмайди. Шунда дарвоза ёнида турган соқчилар уларнинг ёнидан бир она ит уни ўтказиб юборишларини ёлбориб сўраганлигини ва улар уни ўтказиб юборганликларини айтади. Далолой "бу менинг отам эди" деб айтади. Ҳукмдор ўз душмани Варзинни қўлга ололмаганлигидан жуда ғазабланади. Унинг кўнглини кўтариш мақсадида Далолой отасининг қаерда эканлигини айтади. Унинг сўзларига қараганда, отаси шаҳар чеккасидаги кўл остида беркиниб ётган экан. Соқчилар уни тутиб келишади ва шоҳ Варзин душман томонидан ўлдирилади. Аскарлари ёнида фахрланган шоҳ ҳузурига Далолойни чақиртиради ва унга маъноли тикилади. Қиз энди бахтга эришаман дея ҳурсанд эди. Шоҳ ундан "Отанг сени қандай боқиб катта қилган" деб сўрайди. "Отам менга эндигина сўйилган қўйнинг гўштини едириб, ўзи қийимсиз бўлганда ҳам мени кийинтириб вояга етказган", дея жавоб беради қиз. Бағритош ҳукмдор ҳам кўзларига ёш олади ва шу заҳоти қизни қатл эттиришни буюради. Ушбу афсона неча йиллардан буён оғиздан оғизга ўтиб келмоқда. Далварзинтепа ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаро бу афсонани билади ва сўраган кишига фахр билан сўзлаб беради. Ким билади, бу афсонада ҳақиқат бормикан? Нима бўлганда ҳам афсона улар учун қадрли. Ҳатто ушбу афсона воқеалари Далварзинтепага яқин мактаб-музейи фаесида ҳам мусаввирлар томонидан акс эттирилган.

Далварзинтепа Шаҳристони ҳали йиллар давомида ўрганилиб, янги-янги топилмалар топилиб, улар тарихнинг янги саҳифаларини очишига умид қиламиз.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳафта давомида қай вазиятга тушманг ўзингизни бошқара олишингиз керак. Шундагина омад сизга кулиб боқади.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳар бир ўйланмай қилинган ҳаракат салбий ёки ижобий натижага эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда иш юритганингиз маъқул.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Дўстларингиз томонидан ижодий ҳамкорлик қилиш таклифи тушиши мумкин. Таклифни рад этганингиз маъқулроқ.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Сиз ўзингиз учун душман деб ҳисоблаган инсонлар билан муросага келишингиз мумкин. Кечиримли бўлинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда иш жойингизни ўзгартирмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари эса эҳтиёжни тартибга солган ҳолда тежамкор бўлинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ҳафта давомида асабийлашишингиз мумкин. Бунинг олдини олиш учун эса энг аввало, майда-чуйда нарсаларга эътибор берманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ушбу ҳафтада кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилмаганингиз маъқул. Соғлиғингиз ҳақида қайғуринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда зиҳор қариндошлар ва дўстларингиз ўртасига туша кўрманг. Ҳеч кимнинг ўзаро муносабатига аралашманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Молиявий масалаларда ҳамкор танлашда адашмай ва ишга масъулият билан ёндошсангиз ҳеч қандай кўнгилхираликлар юз бермайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Мол-мулк билан боғлиқ масалалларни четга суриб қўйсангиз турли хил кичик "жанжал"ларнинг олдини оласиз. Дам олишни унутманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ўз манфаатингизни ўзгалардан устун қўйишингиз атрофдагилар билан муносабатингизни ёмонлаштиришини унутманг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Шу кунларда дўстларингиз ёки ҳамкасбларингиз билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларингиз муваффақият келтириши мумкин.

Фарғона вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жамғарманинг Фарғона шаҳри бўлинмаси раиси Раҳматжон Холиқовга онаси

ШАҲЗОДА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Оромгоҳда тадбир

Тошкент вилояти

БОЛАЛАР ЎЗ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЎЗЛАРИ ТАЪМИНЛАЙДИЛАР

Маълумки, хоҳ уйда, хоҳ кўчада бўлсин болажонларни ёлғиз, назоратсиз қолдириш кўп ҳолларда турли кўнгилсизликларнинг рўй беришига сабаб бўлади. Ачинарли томони, бундай нохуш вазиятга тушиб қолган аксарият болажонлар ҳолатдан чиқиб кетиш учун қандай йўл тутишни, ўз хавфсизликларини қандай таъминлашни билмайдилар.

Яқинда Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган "Кимёгар" болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизларга ана шундай фавқулодда ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги хусусида ўқув-машғулотларда тушунтирилди. Фуқаро муҳофазаси тадбирлари, деб аталган ушбу машғулотлар давомида вояга етмаган ёшлар зилзила, ёнғин, сув тошқини каби табиий офатлар ҳамда сайр қилиш, сув ҳавзаларида чўмилиш, спорт мусобақалари чоғида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўл-йўриқларини амалий машқлар ёрдамида ўргандилар.

Тадбирни ташкил этишда вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари, вилоят Раҳбарлар тайёрлаш маркази ўқитувчилари ҳамда оромгоҳ маъмурияти яқиндан ёрдам берди.

Муяссар ФАЙЗИЕВА



Ҳ.СОДИҚОВ чизган расм.

Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги олдидан қадимий Хива шаҳридаги кўпгина тарихий обидаларда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

СУРАТЛАРДА: *"Ичон-қалъа" архитектура ёдгорликлари айни кунда деярли қадимдаги кўринишига эга бўлди.*

Хоразм вилояти



Қадамбек ОТАЕВ олган суратлар

Саломатликка ким масъул?

ЎРТАЧА УМР

аслида уни узайтириш мумкин, деган эди XIX асрда яшаган тиббиёт мутахассиси

Бугун инсоннинг ўртача умри 60-70 йилни ташкил этмоқда. Тўғри, орамизда юз билан юзлашаётган нуронийларимиз ҳам бор. Бироқ, улар сафи жуда камчиликни ташкил қилади. Табобатнинг анча ривожланган бугунги ҳолати, ҳаётий тажрибалари, мукаммал хулосалари билан яқиндан танишганимизда бундай манзараларнинг аксини кўрамиз. Яъни инсон умрини янада узайтириш учун имкониятлар бор. Урганч тумани Саломатлик маркази бош шифокори Саъдулла МАДРАҲИМОВ билан суҳбатимиз ана шулар хусусида бўлди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, инсон саломатлигининг 52 фоизи ўзининг соғлом турмуш тарзига, 20 фоизи ирсий омилларга — насл-насабига, 20 фоизи атроф-муҳит экологиясига боғлиқ экан. Даволашга асосланган табобат эса кишилар соғлигининг 8-10 фоиздан ортиғини таъминлай олмаслиги таъкидланган.

XIX асрда яшаган машҳур америкалик тиббиёт мутахассиси Поль Брегг бутун умри давомида одамларни жисмоний чиниқишга даъват этади. Саломатликни мустаҳкамлаш усулларини кенг тарғиб қилади. Парҳезшунослик ва овқатланиш масалаларига бағишланган "Очлик мўъжизаси" китоби унга катта шон-шуҳрат келтиради. Поль Брегг баданни овқатларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган чиқинди ва заҳарли моддалардан тозалаш учун ҳафтасига 1 сутка ва ҳар ойда 7-10 кунлик очлик ўтказиш керак, деган ғояни илгари суради. Брегг очлик баданни тозаловчи энг самарали усул эканлигини исботлайди. У ҳар куни ва ҳар бир дақиқада ўз соғлиги хусусида қайғурган. Ҳар куни эрта тонгда 5-6 километр масофага югурган. Денгизда чўмилган. Турли спорт ўйинлари билан шуғулланган. Кунига 2 марта кам миқдорда овқатланган, 12 соатлаб ишлаган. Ҳали 12 ёшидаёқ ўпка сили билан ўлиши башорат қилинган Брегг 95 ёшида денгизда сув чанғисида учаётганида бўрон кўтарилиши оқибатида тўлқинлар гирдобига тушиб қолади ва вафот этади. Унинг жасадини текширувдан ўтказган шифокорлар ҳайратда қоладилар. Чунки, Бреггнинг ички аъзолари ва қон томирлари тозалик ва физиологик жиҳатдан 20 яшар йигитларникидек бўлган. Брегг инсоннинг табиий умрини 120-150 йил деб ҳисоблаган.

Яна бир қизиқ маълумот: авиация двигателлари соҳасида йирик мутахассис, конструктор, россиялик академик Александр Микулин 50 ёшида юрак инфарктига дучор бўлади. Шунда у ҳаётининг саноқли кунлари қолганлигини фаҳмлайди. Жаҳонга машҳур "МИГ" ва "ТУ" сингари замонавий самолётларни ҳавога кўтара оладиган двигателлар ясаган ва уларнинг хизмат қилиш муддатини кашф қилган олим ўз танасидаги двигатель (юрак)нинг хизмат қилиш муддатини чўзиш ҳақида ўйламаганлигини тушуниб афсусланади. У узоқ умр кўрганлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, юрак 50 йилда ўз фаолият муддатини тугатмаслиги керак, деган хулосага келади. Ҳали касалхонадалигидаёқ, ўзига мутлақо ёт бўлган соҳа — инсон бадани, айниқса, қон айланиш тизими ва юракнинг ишлаш механизмини ўрганишга қарор қилади.

Ўша даврларда жисмоний ҳаракатларнинг киши ички аъзоларига, баданидаги физик-кимёвий, биологик, физиологик жараёнларга таъсири ўрганилмаган эди. Жисмоний тарбияга беморлар соғлигини қайта тиклаш нуқтаи назаридан эмас, балки, кўпроқ мушакларни чиниқтириш, чаққон ҳамда эпчил спортчилар тайёрлаш нуқтаи назаридан қаралган эди. Айтиш мумкинки, Микулин бу соҳада соғломлаштириш ҳаракатининг биринчи ташаббускорларидан бири бўлган. У муҳим соғломлаштирувчи тадбир сифатида пиёда юриш, югуришнинг эволюцион моҳиятини очишга ҳаракат қилади. Шунинг учун академик Микулин жисмоний машқларни энг муҳим соғломлаштирувчи тадбир деб ҳисоблайди. Ҳаракатлар ичида зарб билан юриш, югуриш, сакраш, айниқса, отда юришнинг соғлик учун фойдали эканлигини таъкидлайди. А.Микулин инфарктдан кейин ҳам яна 40 йил умр кўриб, 90 ёшида оламдан ўтган.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин: инсон фаол ҳаракат қилиб турмаса, узоқ умр кўриши ва юксак меҳнат қобилиятига эга бўлиши мумкин эмас. Ҳаракат фаоллиги кунига 10 километрни ташкил қилиши лозим. Кўп ҳаракат қилсангиз, умрингиз узоқ бўлади. Кам ҳаракатлилик инсонларни семириб кетишига, қонда холестирин миқдорининг ошиб кетишига, бўғинларга туз моддалари чўкишига ва умрнинг қисқаришига олиб келади.

Биолог олимларнинг хулосаларига қараганда ҳар қандай тирик организмнинг умри унинг вояга етиш давридан 7-14 марта кўп бўлиши керак. Одамнинг вояга етиш даврини 20-25 ёш деб оладиган бўлсак, унинг ўртача умри камида 180 ёшни ташкил қилиши лозим. Бироқ бунга эришиш йўлида бир муҳим омил борки, бу ўзимизга, ҳаётга бўлган муносабатимизга, яшашга бўлган хоҳишимизга боғлиқ.

Шоназар МУРОДОВ
суҳбатлашди.

Открытое акционерное общество "Шахрисабз Вино-Арок" Кашкадарьинской области доводит до сведения акционеров Общества о проведении внеочередного общего собрания акционеров, которое состоится 29 июля 2005 года в 15.00 в здании Холдинговой компании "Узплодовощвинпром-холдинг" по адресу г. Ташкент, ул. Абая, 6.

ПОВЕСТКА ДНЯ

1. О внесении изменений в состав Наблюдательного совета Общества.
2. О создании совместного предприятия с участием Общества и иностранной компании "Treston Holdings LLC" (США).
3. Об утверждении устава Общества в новой редакции и других внутренних нормативных документов Общества.
4. Разное.

Список акционеров, имеющих право участвовать во внеочередном общем собрании акционеров, составлен по состоянию 28 июня 2005 года. Дата подписания протокола Наблюдательным советом общества 28 июня 2005 года.

Акционеры могут получить информацию, предоставляемой акционерам при подготовке к проведению внеочердного общего собрания акционеров у исполнительного органа общества.

Утерянный аттестат о среднем образовании № 557968 выданный 26.06.1982г. школой № 61 Хамзинского района г.Ташкента на имя Чигринец Александра Николаевича считать **недействительным.**

"OSIYO-GRANDS" хусусий корхонасининг Устав фонди 11531381 сўмдан 3131381 сўмга камайтирилади.
Манзил: Тошкент шаҳри Хонго 3-тор кўчаси 7-уй.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7056 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-624
2 3 4 5 6
Топширилди — 21.00